

БАХОРИЯ - Шарк адабиётшунослигида бахор мадхига багишлаб ёзилган шеър (кўпинча газал)лар. Бахор фасли таровати инсонни жуда қадимдан ўзига мафтун қилган. Буни ушбу хил шеърларнинг яратилиш давриёк исботлайди. Махмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк», Рабгузийнинг «Кисаси Рабгузий» асарларида бахорияларнинг мавжудлиги фикримиз далили бўла олади.

Шоирлар орасида бахорга багишлаб шеър битмагани топилмаса керак. Бу фаелга хос латофат, оламнинг яшариши, табиатнинг бир жузъи бўлган инсон рухиятидаги кўзгалишлар кўтаринки пафос билан қуйланган асарлар ҳамма даврларда ҳам севиб ўқилган, қуйланган. Алишер Навоий ва Бобур, Мунис ва Огахий, Муқимий ва Фуркат, Хабибий ва Чархий, Э.Вохидов ва А.Орипов сингари газалнавис шоирларнинг нафис ва пурмаъно бахориялари ҳар битта шеърхон юрагидан жой олганлигини барча бирдай эътироф қилса керак. Фуркатнинг машхур «Бахор айёмида...», «Фасли навбахор ўлди...» асарларидан ташқари ҳар биттаси 11 байтдан иборат бешта «Газали бахория» номида махсус газаллар туркумини яратгани ижодкорларимизнинг ушбу безавол мавзуга эътибори гоят катта бўлганлигини кўрсатади.